

ЖАҲОЛАТГА

ҚАРШИ МАЪРИФАТ

(Ўқув қўлланма)



28:323.28
К-25

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТА
ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА



Ўзбекистон халқаро ислом академияси
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2021

УДК 28:323.28(075)

КБК 86.38я7

К 25

Каримов, Ж.

Жаҳолатга қарши маърифат [Матн] : ўқув қўлланма / Ж. Каримов. – Тошкент : Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021. – 212 б.

УДК 28:323.28(075)

КБК 86.38я7

Муаллиф ва тўзувчи:

Ж.Каримов

Масъул муҳаррир:

И.Усмонов – тарих фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар:

А.Абдуллаев – тарих фанлари номзоди, доцент

У.Ғофуров – исломишунос

Ўқув қўлланмада ислом динининг тинчликпарварлик, бағрикенглик моҳияти, мутаассиблик, экстремизм ҳамда терроризмнинг салбий жиҳатлари кенг қамровли маълумотлар ва далиллар асосида ёритилган. Шунингдек, давлат ва дин орасидаги муносабатлар, унинг Ўзбекистонда намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари атрофлича баён қилинган.

Юқоридагилар билан бир қаторда, бугунги кунда ислом ниқоби остида фаолият кўрсатаётган мутаассиб, экстремистик ва террорчи ҳаракатларнинг юзага келиш тарихи, уларнинг асосий мақсади, ғоявий-ақидавий асослари, молиявий манбалари, фаолият услублари ва ғайриисломий моҳияти маълумотлар тўплами шаклида ҳар бири алоҳида бандлар орқали очиб берилган ҳамда машҳур уламоларнинг замонавий оқимлар тарғиб қилаётган ғоя ва тамойиллар ислом дини моҳиятига умуман ёт эканини асослаб берувчи фатволари келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 08.01.2021 йилдаги №03-07/118-сонли хулосаси асосида тайёрланди.

ISBN 978-9943-5924-4-5

© Ўзбекистон халқаро ислом академияси
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021

СЎЗ БОШИ

Ғоялар кураши авж олган ХХІ асрда дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида ҳал этилиши зарур бўлган кўплаб муаммолар юзага келаётгани, кишиларнинг осуда ҳаётини издан чиқаришга қаратилган янги шаклдаги таҳдидларнинг пайдо бўлаётгани ва бунинг натижасида бузғунчи ғоялар мафкура майдонини куршаб олаётгани барчамиздан огоҳлик ва ҳушёрликни талаб этмоқда. Айниқса, ёшлар маънавий оламини юксалтириш, уларни она-Ватанга муҳаббат, миллий ва диний қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш асосида ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Давлатимиз келажаги ҳисобланган ёш авлод тарбиясига юртимизда доимо алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги кунда дунё ҳамжамиятида мафкуравий полигонларнинг ёшлар тарбиясига кўрсатаётган салбий таъсири ҳар бир мамлакат, давлат, халқ олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки ҳар қандай жамият келажак пойдевори сифатида ўз сиёсатида ёш авлод тарбиясини етакчи ўринга қўйиши табиий ҳол.

Глобаллашув деганда, энг аввало кўз олдимизда ривожланиш, тараққиёт гавдаланишига қарамай, бундай шароитда ўсиб келаётган баркамол авлод онгини турли хил ёт ғоя ва мафкуравий хуружлардан саклаш муаммоси ҳам муҳим вазифалардан саналади. Ушбу масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шундай таъкидлади: “Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир”.

Замонавий ижтимоий-сиёсий ва иктисодий муносабатларнинг шиддат билан ривожланиши, коммуникация ва ахборот технологияларининг тез суръатлардаги тараққиёти ғоявий таъсир ўтказиш

имкониятларининг кенгайиши, услуб ва воситаларнинг такомиллашувига туртки бўлиб, маънавий таҳдидлар глобал муаммога айланди. Бу долзарблик Ер юзининг турли минтақалари халқларининг онги ва қалби турли ғояларни синаш майдонида, бошқача айтганда, мафкуравий полигонга айлантирилаётгани билан ҳам белгиланади. Замонавий воқелик инсон қалби ва онги учун бўлган курашларнинг янгидан-янги усул ва воситалари кўпайиб бораётгани, айниқса, бу борада, дин омилидан фойдаланишга уринишларда яққол намоён бўлмоқда.

Шундан келиб чикиб, “Жаҳолатга қарши маърифат” ўқув қўлланмасида ўзаро узвий боғлиқ бир қатор масалаларни тизимли ёритишга алоҳида эътибор берилди.

Хусусан, дин ва давлат муносабатлари ҳамма вақт долзарб бўлиб келган. Турли даврларда хилма-хил мазмун ва шакл касб этган бундай муносабатлар, мустақил Ўзбекистон шароитида виждон эркинлиги конституциявий асосда тўла-тўқис таъминлангани, диний ташкилотлар фаолияти учун тегишли шарт-шароитлар яратилганида намоён бўлмоқда.

Маълумки, Марказий Осиё минтақаси асрлар давомида муслмон маданияти ривожига катта ҳисса қўшиб келган, қолаверса, унинг марказларидан бири бўлиб хизмат қилган. Шу боис, бузғунчилик ақидаларини тарғиб қилаётган турли радикал оқимларнинг минтақага ўз ғояларини сингдириш мақсадида интилаётгани тасодиф эмас, албатта. Минтақада асосан, «Ҳизбут-таҳрир ал-исломий», «Туркистон ислом ҳаракати», «Ақромийлар», «Нурчилар» «Исломий жиҳод иттиҳоди» каби гуруҳларнинг фаолияти кузатилганини ҳисобга олиб, тўпلامда мазкур оқимлар атрофлича ёритилди. Шунингдек, ғоялар кураши авж олган XXI асрда дунё ҳамжамияти барқарорлигига таҳдид солаётган «ал-Қоида», «Толибон», «Ироқ ва Шом ислом давлати», «Жабҳат ан-Нусра», «Мусулмон биродарлар» каби экстремистик ва террорчи ташкилотларнинг фаолиятига ҳам тўхталиб ўтилди.

Бугунги кунда экстремистик ва террористик ҳаракатлар ўзларининг мудҳиш фаолиятини давом эттираётгани замонамиз уламолари ҳамда ислом оламининг йирик ташкилотларини ҳам мазкур масалага яна мурожаат қилишга ва бу йўлда фатво, қарорлар қабул қилишга мажбур этмоқда. Ўқув қўлланмада келтирилган фатволар

ислом ниқоби остидаги экстремистик ва террорчи уюшмаларнинг гайриисломий моҳиятини теран англашга ёрдам беради.

Шундай экан, XXI асрда қабоҳат ўчоғига айланган экстремизм ва ҳар хил шаклу шамойилдаги мутаассибликка йўғрилган бузгунчи уринишларга қарши ҳаётимизда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳақидаги чуқур таҳлилий маълумотларни ёш авлодга етказиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, бунда “Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш” ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Юртимизда экстремизмнинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда экстремизмга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш, унинг юзага келишига имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2018 йил 30 июль куни “Экстремизмга қарши кураш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 489-сонли қонуни қабул қилинди. Қонун экстремистик фаолиятга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий вазифалари экстремистик ҳаракатлардан шахс, жамият ва давлатнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, конституциявий тузумни ва давлатнинг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг тинчлиги, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни сақлаш ҳисобланади.

Муҳокама қилинган масалалар шубҳасиз мураккаб ва серқирра мазмунга эга. Бир ўқув қўлланма доирасида уларнинг барча жиҳатларини қамраб олиш, тўлиқ ёритиб бериш ниҳоятда қийин, тўғрироғи мумкин эмас. Шундай бўлса-да, баён этилган фикрлар ёшларимиз томонидан уларнинг моҳиятини тушуниб олишга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

І БОБ. ИСЛОМ ДИНИ АСОСЛАРИ

1-мавзу: Ислом динининг тинчликпарварлик моҳияти

Режа:

1. *Ислом динининг тинчликпарварлик моҳияти*
2. *Ислом – билим ва маърифат дини*
3. *Бағрикенглик тушунчаси ва моҳияти*
4. *Ўзбекистонда бағрикенглик муносабатлари*

Таянч сўз ва иборалар. Ислом – тинчлик дини, билим, маърифат, диннинг бағрикенглик моҳияти, “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси”, Худайбия сулҳи, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик.

Ислом динининг тинчликпарварлик моҳияти. Ислом – инсон қадри ва тараққиёти учун хизмат қиладиган энг эзгу ғоялар билан йўғрилган дин. Ислом – бу тинчлик. Араб тилидаги бир ўзакдан ясалган “силм”, “салом” ва “ислом” сўзлари маъно жиҳатидан тинчлик ва омонликни англатиши бежиз эмас.

Ислом таълимоти, хусусан, Қуръони карим оятларида тинчликни сақлаш ва унинг учун курашишга чақирилади: “**Эй, имон келтирганлар! Ёппасига итоатга киришингиз!...**” (Бақара, 208). Тафсир китобларида келтирилишича, оятдаги “ёппасига итоатга киришингиз” дегани барча инсонларнинг бирлашган ҳолда тинчлик йўлини тутишлари лозимлиги ва унинг барқарорлигини сақлашда қандай йўл билан бўлса ҳам ўз ҳиссаларини қўшиш зарурлигини билдиради.

Тинчлик инсониятга берилган неъматлар ичида имондан кейинги энг улуғ неъмат саналади. Бу ҳақида Муҳаммад (алайҳис-салом) шундай деганлар: “*Аллоҳдан авф ва тинчлик-омонликни сўрангиз, бирор кишига имондан кейин авф қилиш ва тинчликдан афзалроқ неъмат берилгани йўқ*”.

Қуръони каримнинг «Бақара» сураси 126-оятда “Эслам, Иброҳим: “Эй, Раббим, бунн (Маккани) тинчлик шаҳри қилгин ва унинг аҳолисидан Аллоҳга ва охират қунига ишонувчиларига (турли) мевалардан ризқ қилиб бергин!”, деб дуо қилганда аввало тинчлик, ундан кейин ризқ сўраш таълим берилмоқда. Бундан кўринадики, тинчлик-хотиржамлик ризқдан ҳам улуғроқ неъматдир.

Тинчликни қадрлаш ҳамда осойишта ҳаёт учун шукроналик уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Ислом таълимотида масаланинг бу жиҳатига ҳам алоҳида эътибор берилган. Хусусан, Қуръони каримнинг “Наҳл” сураси 112-оятда “Аллоҳ бир шаҳарни (Маккани) мисол келтирур: у тинч, сокин (шаҳар) эди, ҳар томондан ризқи кенгу мўл келиб турар эди. Бас, у (аҳолиси) Аллоҳнинг неъматига ношукрлик қилгач, Аллоҳ унга (аҳолисига) бу “хунарлари” сабабли очлик ва хавф либоси (балоси)ни “тотиш”га мажбур этди”, деб уқтирилади. Шукр қилиш орқали берилган неъматлар янада зиёда бўлар экан, уни асраб қолиш учун ушбу неъматни эътироф этиш ва шукр қилиш муҳим омилдир. Инсон гўзал бир ҳолатда умр кечираётган бўлса, унинг ўзи бу ҳолатни ўзгартирмагунича, яъни ношукрлик қилмагунича Яратган асло уларнинг неъматларини тўсиб қўймаслиги оятларда айтиб ўтилади.

Пайгамбар Муҳаммад (алайҳис-салом)нинг ҳадисларидан бирида, кимки тонгда уйқудан уйғонганда оиласи тинч, тани соғ ва уйда бир кунлик егулиги бўлса, билсинки, унда дунёдаги барча неъматлар мужассам экани таъкидланади. Бундан шу осуда ва тинч бошланган куни учун ҳар ким Яратганга чексиз шукроналар қилиши керак эканини англаш мумкин. Ислом манбалари орқали киши учун энг азиз неъмат бу – тинчлик экани билдирилмоқда. Аллоҳ тарафидан бандаларга ато этилган ушбу неъматга раҳна солиш энг катта гуноҳдир.

Зеро, Пайгамбар (алайҳис-салом) ўз фаолиятларида доимо музокара, сулҳ билан тинчлик ёки мудофаа йўлини тутганлари ислом тарихидан ҳам маълум. Айниқса, “Ҳудайбия сулҳи” деб ном олган тинчлик битимида уларнинг тинчликпарвар сиёсатлари яққол намоён бўлди. Мусулмонлар учун ноқулай шарт-шароитлар асосида тузилган бу сулҳга саҳобийлар кескин қарши чиқсаларда, Расулulloҳ (алайҳис-салом) тинчликка эришиш ва қон тўкилишининг

олдини олиш мақсадида ушбу ҳужжатга дарҳол имзо қўйдилар. Куръони каримда ҳам бу борада: “Агар улар сулҳга мойил бўлсалар, Сиз ҳам унга мойил бўлинг ва Аллоҳга таваккул қилинг! (Анфол, 61), деб таъкидланади.

Дарҳақиқат, Ҳудайбия сулҳи ўзининг аҳамияти жиҳатидан ҳар қандай жангдаги ғалабадан юқори туради. Зеро, бу сулҳ ислом динининг тинчликпарвар моҳиятини намоён этган эди. Пайғамбар (алайҳис-салом) ўзларининг зиёнларига бўлса ҳам тинчлик учун қанчалик жонкуяр эканлари маккаликларга ҳамда айрим мадиналик саҳобийларга сабоқ бўлди.

Кейинчалик эса, Пайғамбар (алайҳис-салом) Арабистон тарихида мисли кўрилмаган кучга эга бўлсалар-да, Маккани қон тўқмасдан тинч йўл билан эгаллаш йўлини тутганлари ҳам эътиборга молик. Ваҳоланки, Макка мушриклари неча йиллар давомида Расулulloҳ (алайҳис-салом)га азият етказиб, уларга қарши чиқиб, кўплаб мусулмонларнинг умрига зомин бўлган эдилар. Ҳатто душманларга ҳам олийжаноблик кўрсатиш, уларга кечиримли муносабатда бўлиш ислом динининг тинчликпарвар моҳиятини намоён этади. Зеро, ислом дини ҳар қандай шароитда жангга йўл қўймасликка, тинчликни асрашга катта эътибор берган. Пайғамбар (алайҳис-салом) саҳобийларга доимо такрорлаб шундай деганлар: “Қиёмат куни биринчи савол ноҳақ тўкилган қонлар тўғрисида бўлур” (Имом Бухорий ривояти).

Тинчликни улуғ неъмат, деб эълон қилган ислом динида бу йўлда нафақат амал, балки сўз билан ҳам зарар келтиришдан қайтарилган. Пайғамбар (алайҳис-салом) ҳадисларида *“Мусулмон киши шуки, унинг тилидан ва қўлидан мусулмонлар озор чекмайдилар!”* дейилади. Зеро, сўз, яъни тилдан етадиган озор қўлдан етадиган зарардан аввал зикр этилишига сабаб, қўл билан бошқаларнинг фақат бу дунёси – саломатлиги, оиласи, мулкига зарар етказиш, тил билан инсонларни турли бузғунчи ғояларга тарғиб қилиш, кишиларни тўғри йўлдан чалғитиш орқали икки дунёсини барбод этиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда айрим фирқа ва тоифаларнинг мусулмонман, деб турган аҳолининг ичида парокандалик, оиласида зиддиятларни келтириб чиқаришга уринишлари исломнинг асл моҳиятига бутунлай зиддир. Бу амалларни ислом номи билан боғлаш динга нисбатан тухматдир.

“Албатта, дин энгилдир. Кимда-ким уни (ўзича) огирлаштирса, дин уни албатта мағлуб қилади”.

Ҳадисдан

Юқорида қайд этилганидек, ислом тинчлик, моҳиятан энгиллик ва мўътадил диндир. Унинг эътиқод қилувчиларга фақат энгилликни раво кўриши ислом манбаларида етарлича баён этилган. Маълумки, Аллоҳ ёки пайғамбарлар шариат аҳкомларини жорий қилиши мумкин. Бошқа ҳеч ким, бирор-бир сабабга кўра бу ишни амалга ошириши, бандалар устига шаръий амрни жорий қилиши мумкин эмас. Муҳаммад (алайҳис-салом) ҳам ўз умматларига доим энгиллик, осонлик ва ўртаҳолликни истаб келганлар, яъни ўз ҳаётлари давомида икки иш турганида қайси бири энгил бўлса ва шариат кўрсатмаларига ҳилоф бўлмаса, ўшани ихтиёр қилганлар ва умматга доим шуни таълим берганлар. Бундан ташқари, Пайғамбар (алайҳис-салом) бирор кишини ўзга диёрга исломдан таълим бериш учун юборар эканлар, хоҳ ибодатда, хоҳ инсонлар орасидаги муамолот масалаларида осонлаштиришга, динни қийин ва машаққатли қилиб кўрсатиб қўймасликка тарғиб қилардилар.

Аммо бугунги кунда диндаги бирор амал ёки тушунча мазмунини талқин қилишда меъёрни бузиш, ҳаддан ошишдек ҳолатлар ҳам учрамоқда. Ҳаддан ошиш диний саводнинг тўғри ташкил этилмагани ёки эътиқод борасида нотўғри хулосалар чиқарилгани билан ҳам боғлиқ бўлади. Маълумки, динда ҳаддан ошиш “ғулув” деб аталади. Ҳадисларда таъкидланишича, диний масалаларда ҳаддан ошган қавмларнинг аксарияти Аллоҳнинг ғазабига учраб, ҳалок бўлишган. Шундай бўлса-да, бугунги кунда ҳам ислом дини ҳақида етарлича илми бўлмасдан Қуръонни ўзича англаш, ҳадисларни ўз билганича талқин этиш, мазҳабларни тан олмаслик, тасаввуфни шариатсиз тасаввур қилиш, ўзи қўл берган пирга кўр-кўрона эргашиш, ҳатто, унга сиғиниш даражасида эътиқод қилиш каби шаклларда мутаассибликка кетиш ҳоллари мавжудлигини қайд этиш лозим.

Демак, исломнинг энгиллик дини экани, уни қийинлаштириш, унга ўзгача талқин ва қарашлар олиб кириш қораланиши Қуръон оятлари, ҳадислар ва уламоларнинг асарларида атрофлича ёритилган. Жумладан, Қуръони каримнинг “Бакара” сураси 185-оятда шундай дейилади: “Аллоҳ сизларга энгилликни истайди, оғир-

ликни хоҳламайди”, “Нахл” сураси 125-оятда “(Эй Муҳаммад!) Раббингизнинг йўли (дини)га ҳикмат ва чиройли насихат билан даъват этинг”, деб баён қилинган. Пайғамбар Муҳаммад (алайҳис-салом) “*Ишларнинг яхшииси ўртачасидир*” дея таъкидлаганлар. Ҳар бир ишда, ҳатто эътиқод масалаларида ҳам мўътадиллик тамойилларига риоя этиш исломнинг асосини ташкил этади.

Ислом – билм ва маърифат дини. Ислом дини инсон манфаатлари ва жамият тараққиётига хизмат қилувчи ҳар қандай кашфиёт ва янгиликларни юксак қадрлаган, қўллаб-қувватлаган. Албатта, ислом илм-маърифатга асосланган диндир.

“Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай”.

Имом Бухорий

Исломнинг асосий манбалари ҳисобланган Қуръони карим ҳамда ҳадиси шарифларда илм ўрганишга ва уни ўргатишга тарғиб қилиниб, аксинча, илмсизлик ёки уни ўрганишга лоқайдлик қаттиқ қораланади. Жумладан, Қуръони каримнинг илк нозил бўлган оятининг ўзидаёқ Аллоҳ таоло “Ўқи!” деб амр қилди. “Илм” сўзи турли маъноларда Қуръонда 811 ўринда такрорланиши унинг ўрни муҳим эканини кўрсатади.

Расулуллоҳ (алайҳис-салом) ўзларининг кўплаб ҳадисларида илм эгаллашга, олимларни яхши кўришга чақирганлар. Жумладан, Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда: “Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарздир” деб таъкидлаганлар. Қуръони каримда: “Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур” (*Мужодала, 11*), дейилган. Ибн Ҳажар Асқалоний ушбу оятни қуйидагича тафсир қилади: “Албатта, даражаларни кўтариш улуғ фазлу марҳаматга далолат қилади ва дунёда олий мартаба, шон-шухрат каби маънавий юксакликни ҳамда жаннатдаги олий мартаба каби ҳиссий юксакликни ўз ичига олади”.

“Кимки динни илмсиз ўрганса, ўзи ҳам адашади, бировларни ҳам адаштиради”.

Ҳадисдан

“Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири”да эса ушбу оят қуйидагича тафсир қилинади: “Илм ва олимларнинг фа-

зилатлари, икки дунёда эришадиган даража ва мартабаларига доир оят ва ҳадислар жуда кўп учрайди. Пайғамбар Муҳаммад (алайҳис-салом)дан олим кишининг бир кунлик ибодати илмсиз обиднинг қирқ йиллик ибодатига тенг экани, қиёматда шафоат қилиши, агар у таълим ҳам берса, Ер ва осмонлардаги барча жонзот Аллоҳдан унга мағфират сўраши ва бошқа кўп башоратлар саҳиҳ ҳадислар орқали ривоят қилинган. Сулаймон (алайҳис-салом)га Аллоҳ таоло илм, бойлик ва подшоҳликдан бирини танлашни буюрганида у илмни танлайди. Илмнинг шарофатидан унга бойлик ва подшоҳликни ҳам қўшиб беради».

Бошқа бир оятда эса: **“Аллоҳ адолатда (барқарор) туриб, шундай гувоҳлик берди: “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир”, фаришталар ва илм эгалари ҳам. (Албатта), Ундан ўзга илоҳ йўқ. У Азиз (қудратли) ва Ҳаким (ҳикматли)дир” (Оли Имрон, 18).** Ушбу оятда Аллоҳ таоло ўзининг ягоналигига фаришталар билан бир қаторда илмли кишиларни ҳам гувоҳ қилгани олимларнинг даражаси Аллоҳ таолонинг даргоҳида ҳам улуғ эканига далолат қилади.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади: “Абу Дардо (р.а.): “Расулulloҳ (алайҳис-салом) бундай деганларини эшитдим: “Ким илм истаб бир йўлдан юрса, Аллоҳ уни жаннат йўлларида бирига йўллаб қўяди. Фаришталар илм толиби учун қанотларини пасайтирадилар. Албатта, олим ҳақиқа осмонлару ердагилар, ҳаттоки, сув остидаги балиқлар ҳам истиғфор айтадилар. Олимнинг обиддан афзаллиги бадр кечасидаги тўлин ойнинг бошқа юлдузлардан афзаллиги кабирдир. Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Пайғамбарлар динор ва дирҳамни мерос қолдирмадилар. Балки илмни мерос қолдирдилар. Ким уни олса, (меросдан) тўлиқ насибасини олибди”.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, исломда илм, маърифатли бўлишга, Яратган томонидан инсонларга берилган неъматлар ҳақида билим орқали тадаббур қилишга тарғиб қилинган. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло тафаккур қилмайдиган, ўзининг ким эканини англаб етмайдиган, бугуннинг хузур-халовати билан яшаб, эртаси ҳақида қайғурмайдиган, онгсиз кимсаларни Қуръони каримда **“...Уларда қалблар бор, (лекин) улар билан “англамайдилар”. Уларда кўзлар бор, (лекин) улар билан “қўрмайдилар”. Уларда қулоқлар бор, (лекин) улар билан**

“эшитмайдилар”. Ана ўшалар хайвонлар кабидирлар. Балки улар (янада) адашганроқдирлар. Айнан ўшалар ғофиллардир” (*Аъроф*, 179), деб таърифлайди.

“Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади. Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурося қила олмаймиз”.

Шавкат Мирзиёев

Умуман олганда, ислом илмсизлик ва жоҳилликни қоралайди, илм олиш, жоҳолатдан маърифатни устун қўйиш каби эзгу фазилатларга буюради. Ҳақиқатда жоҳиллик ёмон иллат бўлиб, жоҳил инсонлар барча ёмонликларга ҳеч қандай тўсиқсиз кириб кетаверадилар. Жоҳолат инсон ҳаётини барбод қилади, охиратини қуйдиради. Маърифат эса инсон қалбига сайқал беради, маънавий, руҳий дунёсини гўзаллаштиради, инсонга шон-шухрат келтиради, улуғлайди. “Маърифат” сўзи “билим”, “Аллоҳни таниш” каби хислатларни ўзига жамлайди. Бунга зид равишда илмни диний ва дунёвий турларга тақсимлаб, айрича қараш инсон маънавиятининг емирилишига олиб келади. Бу фикр исботи учун узоқ ва яқин ўтмишимизда мисоллар кўп. Абу Али ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Мирзо Улуғбек каби улуғ аждодларимиз гарчи собиқ тузум уларнинг диний илм соҳиблари бўлганини яширган бўлсада, улар энг аввало ислом дунёсининг ардоқли олимлари, том маънодаги илм эгаларидир. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг: “Айнан таълим ва маърифат башарият фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундайди. Муқаддас ислом динимиз бизга айнан шуни ўргатади” деган гаплари биз учун дастуруламал бўлмоғи лозим. Ана шунда биз ҳар томонлама мукамал инсон, аждодларимизга муносиб фарзанд бўламиз.

Бағрикенглик тушунчаси ва моҳияти. Ислом динининг тинчлик ва осойишталикка бўлган эътибори юқори бўлиши билан бир қаторда, бағрикенглик унинг негизи ҳисобланади. “Бағрикенглик”

тушунчаси илмий фаолият ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари, жумладан, сиёсат ва сиёсатшунослик, социология, фалсафа, илоҳиёт, ижтимоий ахлоқ, қиёсий диншунослик каби фанлар доирасида кенг истифода этилади. “Толерантлик” – лотинча “tolerare”, яъни “чидамоқ”, “сабр қилмоқ” маъносини англатган бу сўз, асосан бирор нарсани, ўзгача фикр ёки қарашни, ўз шахсий тушунчаларидан қатъи назар, имкон қадар бағрикенглик ва чидам билан қабул қилишни англатади. Хусусан, ушбу тушунча деярли барча тилларда бир хил ёки бир-бирини тўлдирувчи маъно касб этиб, “чидамлилиқ”, “бардошлилиқ”, “токатлилиқ”, “ўзгача қарашлар ва ҳаракатларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш”, “мурувватлилиқ”, “ҳимматлилиқ”, “кечиримлилиқ”, “меҳрибонлиқ”, “ҳамдардлиқ” каби маъноларга эга.

Халқаро ташкилотлар орасида энг нуфузлиси ва йириги ҳисобланган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1945 йили қабул қилинган Уставида давлатларнинг ўзаро бағрикенглик руҳида яхши қўшничилик кайфиятида яшаши, халқаро тинчлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлашда ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиши асосий мақсадлардан бири, деб эълон қилинди.

Тараққиётнинг асосий омилларидан бири бўлган бағрикенглик борасида 1995 йил 16 ноябрда БМТ тизимида Фан, таълим ва маданият соҳасида ихтисослашган ташкилот (ЮНЕСКО) Бош конференциясининг 28-сессиясида “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси” қабул қилинди. Декларацияда ирки, жинси, келиб чиқиши, тили, динидан қатъи назар, бағрикенгликни тарғиб этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат билан қараш каби мажбуриятлар белгилаб қўйилган. 1995 йил “Халқаро бағрикенглик” йили деб эълон қилинди.

“Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси”даги “толерант” сўзи ўзбек тилига “бағрикенглик” деб таржима қилингандан бери у тилимизда ўрнашиб қолди. Рус тилида “терпимость” сўзи бошқачасига айтганда “снисходительность”, яъни бағрикенглик, кенгфеъллиқ маъноларини англатади. Диний соҳа ҳақида гап кетганда руслар “веротерпимость” сўзини ишлатишади. Ўзбек тилида “диний бағрикенглик” ибораси айнан шунга адекват ҳисобланади.

Диний бағрикенглик турли дин вакиллари эътиқодидаги мавжуд ақидавий фарқлардан қатъи назар уларнинг ёнма-ён, ўзаро тинч-тотув яшаши ҳамда ҳар бир диний таълимотга ҳурмат билан

қарашни англатади. Ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркин бўлгани ҳолда, бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканини эътироф этмоғи лозим. “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси”да таъкидланганидек, “Бағрикенглик бўлмаса тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди”.

Жаҳон динлари ичида энг ёши ҳисобланган ислом дини ҳам ўзининг илк давридаёқ бағрикенглик дини сифатида намоён бўлди. Маълумки, ислом ўзидан аввалги динларни (яхудийлик, насронийлик) эътироф этибгина қолмасдан, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қонун билан мустаҳкамлаб қўйган. Шунингдек, уларнинг маданият ва анъаналарига эҳтиром билан қарашга ҳамда улар билан адолатли муносабатда бўлишга буюрган. Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай дейди: “... бирор қавм (кишилари)ни ёқтирмаслик сизларни уларга нисбатан адолатсизлик қилишга ундамасин!” (*Моид*, 8). Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган ҳадисда Муҳаммад (алайҳис-салом) шундай дейдилар: “*Кимки аҳли зиммага бирор заҳмат етказса, Қиёмат куни Мени ўзининг душмани сифатида кўради*”.

Дарҳақиқат, ислом илк даврларданок ўзидан олдинги динларга ҳеч қандай тазйиқ ўтказмади. Унинг таълимотига биноан барча пайғамбарлар биродардирлар, рисолатда улар ўртасида ҳеч қандай афзаллик йўқ, эътиқодга, динга мажбурлаш мумкин эмас, самовий динларнинг ибодатхоналари ҳимоя ва мудофаа қилиниши керак, динлардаги ихтилофлар қотиллик ва адоватларга сабаб бўлмаслиги, яхшилик, силаи раҳмдан тўсмаслиги лозим. Бу борада Қуръони каримда бундай дейилади: “**Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатли кишиларни севар**” (*Мумтаҳана*, 8). Шунингдек, Муҳаммад (алайҳис-салом) ҳадисларида: “*Сиз ўзингиз яхши кўрган (муҳаббат қилган) нарсани биродарингизга раво кўрмагунингизча комил мўмин бўла олмайсизлар*”, дейилади. Имом Нававий шу ҳадисни бундай шарҳлаган: “Ҳадисда келган “муҳаббат” сўзидан мурод инсонлар ўртасидаги муҳаббат эмас, аксинча, биродарига яхшилик ва манфаатларни тилашдир. Бу умум башариятга нисбатан, яъни у мусулмонга ҳам, бошқа дин вакилига ҳам бирдай яхшиликни исташ лозим деганидир”.

Бу борада Пайғамбар Муҳаммад (алайҳис-салом) ислом умматигагина эмас, бутун инсониятга намуна бўдилар. Мадинага ҳижрат қилганларида давлат ишларидаги барча амаллари ўша ерлик яҳудийлар билан уларнинг ақидаларини ҳурмат қилишга асосланган аҳднома тузиш бўлди. Расулulloҳ (алайҳис-салом) аҳли китобдан бўлган қўшнилари билан яхши муносабатда бўлар, ҳада бериб, улардан ҳам турли ҳадялар қабул қилардилар. Мадинага Хабашистон насронийларининг вакиллари келганда уларни масжидга тушириб зиёфат бердилар ва хизматларини қилдилар. Ҳаттоки, Нажрон насронийларига масжиднинг бир томонида ибодат қилишга ижозат бердилар.

Шу билан бирга, Имом Бухорийдан ривоят қилинган қуйидаги ҳадисда ҳам киши қайси дин вакили бўлишидан қатъи назар унинг инсон сифатида қадрланиши, унга ҳурмат кўрсатишга даъват этилишига ишорат бор: *“Набий (алайҳис-салом) олдидан бир жаноза олиб ўтилди. Шунда у зот ўринларидан турдилар. Одамлар: “Ё Расулulloҳ, бу яҳудийнинг жанозаси”, дейишди. У киши: “У инсон эмасми?!” дедилар”*. Ислом дини ҳамиша инсон қадр-қимматига катта эътибор берган ва бошқа дин вакиллариининг ҳаёти, шаъни, ор-номуси ҳамда ҳақ-хуқуқларини юксак қадрлаган.

Қуръони карим “Рум” сураси 22-оятига кўра, одамларнинг тили ва рангидаги фарқлар Худонинг мўъжизаларидандир. Миллий ва диний ранг-баранглик ҳамда эътиқод эркинлигини қарор топтириш масалаларида Қуръони карим бутунлай бағрикенглик руҳи билан суғорилган. Демак, дунёдаги турли-туманлик Яратганнинг иродаси ва ҳикмати билан боғлиқ. Аллоҳ дастлаб одамзодни бир уммат қилиб яратганди, сўнгра уларни турли қабила, халқ ва динларга ажратди. Бундай ранг-барангликдан мақсад — умумий фаровонлик йўлида инсонлар бир-бирлари билан мусобақа қилмоқлари даркор. Бошқа жамоалар билан ҳамжиҳатликни чуқурлаштириш учун мусулмонлар улар билан, айниқса, китоб аҳли — яҳудийлар ва насронийлар билан мулоқот қилмоқлари лозим. Қуръон бу дунёни барча халқ ва дин вакиллари тинч-тотув яшайдиган замин деб эълон қилди. Умуман олганда, Қуръони каримнинг элликдан ортиқ сурасидаги юзлаб оятларда мусулмонлар мўмин-қобиллик, тинчликпарварлик ва бошқа эътиқод вакилларига нисбатан бағрикенгликка даъват этилганлар. Демак, ислом дини азалдан инсониятга асл мурувватни, ҳатто ўзга дин вакилларига эҳтиром ҳамда бағри-

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
----------------	---

I БОБ. ИСЛОМ ДИНИ АСОСЛАРИ

1-мавзу: Ислом динининг тинчликпарварлик моҳияти.....	6
2-мавзу: Исломдаги ақидавий ва фикҳий йўналишлар	21
3-мавзу: Тасаввуф ва замонавий тариқатчилик.....	35
4-мавзу. Давлат ва дин. Ўзбекистонда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан муносабати.....	44

II БОБ. ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ – ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАҲДИД

5-мавзу. Экстремизмнинг Марказий Осиё минтақасида намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари	67
6-мавзу: Ислом асосларини ғаразли мақсадларда бузиб талкин қилиш: моҳият ва мақсадлар	143
7-мавзу: Ёшларда экстремизм ва терроризмга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш: мақсад ва вазифалар.....	165
8-мавзу: Халқаро исломий ташкилотлар, диний уламолар томонидан экстремизм ва терроризмга қарши чиқарилган фатволар таҳлили	180
Глоссарий.....	197
Фойдаланилган манбалар, адабиётлар ва интернет сайтлари	206

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ

Ў Қ У В Қ Ў Л Л А Н М А

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2021

Нашр учун масъул: **И.Ашурматов**
Муҳаррир: **О.Жумабоев**
Бадий муҳаррир: **Ф.Собиров**
Дизайнер-саҳифаловчи: **Л.Абдуллаев**

Нашриётнинг лицензия рақами
АІ № 0011. 06.05.2019 йил.
Босмахонага 08.01.2021 йилда берилди.
Бичими 60×90 %. Шартли б.т. 12,2 Нашр т. 12,7
Адади 5 000 нусха. Буюртма № 09.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.



0X000053724



ISBN 978-9943-5924-4-5



9 789943 592445